

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2014 йил 25 июль, № 144 (6074) Жума


# Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

*Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, уни таркибий янгилаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли соҳада улкан муваффақиятлар қўлга киритилмоқда. Энг муҳими, аграр тармоқдаги ҳар бир ўзгариш ва янгиланиш тизимни тубдан диверсификация қилиш ва аҳолини асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш баробарида, уларни катта миқдорда экспорт қилиш имконини ҳам берди.*

## Обод ва фаровон турмуш асоси



*Ўтган вақт мобайнида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми*

**2 баробардан зиёд ошиб,**

*шунга яраша аҳоли жон бошига гўшт, сут, картошка, мева ва сабзавотлар истеъмоли бир неча маротаба кўпайгани ана шундай саъй-ҳаракатлар самарасидир.*

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг ушбу тармоқда ўзига хос йўли ва тажрибаси кўплаб хорижий ташкилотлар экспертлари, олиму мутахассислар эътирофига сазовор бўлмоқда. Жорий йилнинг июнь ойида пойтахтимизда бўлиб ўтган "Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари" мавзуидаги халқаро конференция иштирокчилари томонидан билдирилган фикрлар бунга яққол мисол бўла олади. Конференция давомида улар юртимизда қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси ҳақида нафақат батафсил маълумотга, балки миришкор деҳқонларимиз томонидан етиштирилаётган мева-сабзавотлардан тотиб кўриш имкониятига ҳам эга бўлдилар. Тармоққа ихтисослаштирилган қайта ишлаш корхоналари фаолияти билан яқиндан танишдилар. Ўлкамизда етиштирилган неъматлар бебаҳо истеъмол хусусиятлари, саломатлик учун энг муҳим бўлган микроэлементларга бой эканлиги билан бошқа минтақаларда етиштирилган турдош неъматлардан юқори туришини алоҳида қайд этдилар.

**(Давоми 2-бетда).**

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

*24 июль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.*

## ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ

Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартиби тасдиқланганидан кейин депутатлар мамлакатимизда жамият ҳаётининг турли соҳаларида олиб борилаётган ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган бир қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар. Бир кун олдин сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда кун тартибига киритилган масалалар дастлабки тарзда кўриб чиқилди. Қонун лойиҳаларини ҳар томонлама муҳокама қилиш якунларига кўра уларни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Депутатлар ўз ишини "Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда ҳар томонлама муҳокама қилишдан бошладилар. Қонун лойиҳаси Конституциянинг Қонунчилик палатаси депутатлар гуруҳининг ташаббусига кўра Марказий сайлов комиссияси фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш тартибини конституциявий жиҳатдан мустаҳкамлашни назарда тутувчи 117-моддасига киритилган тузатишларни амалда рўёбга чиқариш доирасида ишлаб чиқилди. Қонун лойиҳасида "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги Қонунга, Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига Марказий сайлов комиссияси мустақиллигининг кафолатларини мустаҳкамлашга ва ваколатларини янада кенгайтиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилмоқда.

Ушбу қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш чоғида сиёсий партиялар фракциялари ва Экологик ҳаракатдан сайланган депутатлар гуруҳи, қонун лойиҳаси учун масъул бўлган Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари, шунингдек, Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмиталари кенгайтирилган йиғилиш ўтказди. Тадбир чоғида қонун лойиҳасини тайёрлашда келиб тушган барча таклиф ва фикр-мулоҳазалар умумлаштирилди. Шунингдек, мажлисда тегишли соҳа экспертлари, олимлари иштирок этиб, ушбу ҳужжатни янада такомиллаштиришга қаратилган таклифлар бердилар.

Шундан сўнг депутатлар "Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига қўшимча киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда муҳокама қилдилар. Ушбу қонун лойиҳаси жиноят-процессуал қонунчиликни янада такомиллаштиришга, жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга, шунингдек, миллий қонун ҳужжатларини халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқлаштиришга қаратилган. Ушбу қонун лойиҳасига кўра Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси суд ишини юритиш чоғида йўқолган жиноят ишини ёки унинг материалларини ижро этиш учун прокурорга юбориладиган суд ажримига кўра тиклаш механизмини тартибга солувчи модда билан тўлдирилмоқда.

Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш чоғида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ишчи гуруҳнинг кенгайтирилган мажлисини ўтказди. Унда барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи, вазирлик ва идораларнинг вакиллари, шунингдек, экспертлар иштирок этдилар. Қонун лойиҳасининг барча моддаларини ҳар томонлама муҳокама этиш чоғида ушбу ҳужжатни янада такомиллаштиришга қаратилган аниқ таклифлар ишлаб чиқилди.

**(Давоми 2-бетда).**

## БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИ — ҚАТЪИЙ НАЗОРАТ ОСТИДА

*Бюджет маблағларидан оқилона фойдаланиш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигини ошириш, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, шунингдек, аҳоли ҳаёт даражаси ва фаровонлигини яхшилашда катта аҳамиятга эгадир.*

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ва Молия вазирлигининг ҳамкорликдаги ишлари дастурига асосан, бюджет ташкилотларида бюджет қонунчилигига риоя этишга оид назорат тадбирлари тизимли равишда амалга оширилмоқда.

Юклатилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида 2014 йилнинг биринчи ярмида республика ва маҳаллий бюджетдан молиялаштириладиган 143 ташкилотда текширув ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳамда унга қарашли ташкилотларда ўтказилган назорат тадбирлари чоғида "Марказий аэрогеодезия" ва "Самарқанд аэрогеодезия" давлат унитар корхоналари томонидан бажарилган ишлар қийматини шакллантиришда дала ишлари учун қўшимча маблағлар асоссиз қўлланиши натижасида 170,5 миллион ва 106,8 миллион сўм ортиқча ҳисобланганлиги ҳамда тўланганлиги аниқланди.

Қўмитанинг ҳудудий бошқармаларида ўтказилган назорат тадбирлари давомида бюджет интизоми ва амалдаги қонунчиликка риоя этмаслик ҳолатлари ҳам аниқланди.

Масалан, қўмита ва унинг ҳудудий бошқармаларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 майда қабул қилинган 153-сонли қарорида белгиланган талаблар бузилган ҳолда, лимитдан ташқари умумий қиймати 110,4 миллион сўмлик 14 хизмат автомашинаси сақланмоқда. Амалдаги нормаларга мувофиқ ушбу автомашиналар кимошди савдолари орқали сотилиши, тушган маблағнинг 50 фоизи бюджет даромадига ўтказилиши лозим.

**(Давоми 3-бетда).**

## Тинчлик — энг улуғ неъмат

Бу бебаҳо бойлик мустақиллик шарофати, Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар самараси, ёрқин келажак гаровидир.

*Истиқлолимиз бахш этган неъмату имкониятларнинг саноғи беҳисоб. Улардан баҳраманд бўлиб яшаш эса — катта бахт, улуғ саодат. Шу боис бугунги дориламон кунларимизнинг ҳар бир дақиқасига қанча шукроналар айтсак, шунча кам.*

ДИЛ СЎЗИ

Баъзида дунёнинг турли бурчакларида юз бераётган воқеа-ҳодисалар, талотўплар ҳақида эшитамиз. Шунда Ўзбекистондек жаннатмонанд юрт бошқа ҳеч қаерда бўлмаса керак, деган ўй кечади хаёлимдан. Тўғри-да, ҳар карич еримиз зар, ҳар ҳовуч тупроғимиз олтин. Энг муҳими, тинч ва осуда ҳаёт кечираяпмиз. Одамларимиз ўтаётган ҳар бир кунидан рози, давлатимиздан, Президентимиздан миннатдор. Фарзандлари бугунидан, эртасидан кўнгли тўқ.

"Бир кун жанжал бўлган жойдан қирқ кун барака қочади", дейди халқимиз. Ҳақ гап. Бунинг исботини кунда-кунора ойнаи жаҳон орқали кўриб, билиб турибмиз. Айрим давлатлардаги беқарорлик, қуролли тўқнашувлар оқибатида минг-минглаб бегуноҳ одамлар қони тўкилаётгани, ёстиғи қуриётганидан хабардормиз. Улар орасида аёллар, болалар, keксалар энг кўп жабр чекаётганига нима дейсиз?! Қандайдир ёвуз кучлар томонидан янги-янги уруш ўчоқлари пайдо қилинаётганига-чи?! Ахир уруш ва нотинчлик ҳукм сураётган мамлакатларда одамларнинг келажакка бўлган ишончи сўниб, улар эртага фарзандлари ҳоли қандай кечишини билмай, қайғуга, ғам-ғуссага ботаяпти-ку. Қонли тўқнашувлар юз бераётган давлатлар иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан эллик йил, балки ундан ҳам кўпроқ орқага кетиши ҳам бор гап.

Албатта, бу барчамизни тинчликнинг қадрига етиб, ҳар нафасда ниҳоятда ҳушёр ва огоҳ бўлиб яшашга ундайди. Давлатимиз раҳбари томонидан истиқлолнинг биринчи кунлариданоқ осудалик ва хотиржамликни сақлаш энг асосий вазифа эканлиги уқтириб келинаётганининг боиси ҳам шунда.

**(Давоми 2-бетда).**

## Эзгулик, саховат ва меҳр-оқибат айёми

*Озод ва обод, тинч-хотиржам юртда умргузаронлик қилишдан ортиқ бахт бўлмаса керак. Буни мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси теран англамоғи, қадрламоғи лозим, деб ўйлаймиз. Зеро, мустақиллик туфайли муҳтарам Президентимиз раҳнамолигида улкан ислоҳотлар олиб борилмоқдаки, унинг самарасидан ҳар биримиз баҳраманд бўлиб бормоқдамиз.*

ШУКРОНА

Шу боис мамнуният билан айтамизки, истиқлол халқимиз учун чексиз имкониятлар эшигини очиб берди. Унинг халқимизга берган бахт-саодатининг ҳад-ҳудуди йўқ.

Аллоҳга беҳисоб ҳамду санолар бўлсинки, жаннатмонанд ўлкамизнинг мўмин-мусулмонлари Рамазон ойини ниҳоятда кўтаринки руҳда ўтказишмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуслари билан ушбу муқаддас ойни муносиб ўтказиш ва кеча "Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида"ги қарорлари эълон қилиниши юртдошларимизни беҳад қувонтирди. Унда халқимиз томонидан асрлар давомида эзгулик ва маънавий поклик, саховат ва меҳр-шафқат, қаноат ҳамда шукроналик рамзи сифатида нишонланадиган Рамазон ҳайитининг ҳаётимиздаги ўрнига алоҳида урғу берилган.

Дарҳақиқат, жамиятимизда қарор топган меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, эл-юртимизга хос бўлган эзгу фазилатларни, миллий-диний қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуғлаш ҳамда ёш авлодни миллий анъана ва урф-одатларимизни эъзозлаш, Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга устувор вазифа сифатида қаралмоқда.

**(Давоми 3-бетда).**

МУНОСАБАТ

*Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ эл саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмонан ва маънан баркамол авлодни вояга етказиш йўлидаги устувор вазифалар ижросини таъминлаш борасида амалий қадамлар қўйилди.*

## Аҳоли саломатлиги – устувор мақсад

Натижада соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилиб, жаҳон андозаларига мос тиббий хизмат тизими жорий этилди.

Бу ислоҳотларнинг кўлами нақадар кенглигини энг чекка қишлоқларимиз ва маҳаллалар, тоғли ҳудудларда қад ростлаган ҳамда керакли ускуналар билан мукаммал таъминланган шифо масканлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Яратилган ана шундай қулай шарт-шароитлар, хусусан, соғлом авлод тарбияси билан боғлиқ кенг қамровли лойиҳалар йилдан-йилга такомиллашиб, ўз самарасини кўрсатаяпти.

Жумладан, тиббиётнинг барча соҳалари каби стоматология йўналиши изчил ривожланиб бормоқда. Стоматологларнинг халқаро миқёсдаги илмий-амалий анжуманларида мамлакатимиз олимларининг ҳам тадқиқотлари эътироф этилаётгани фикримиз исботидир.

**(Давоми 3-бетда).**




## «Самимий, меҳмондўст ва бағрикенг»

Юртимиз бой тарихи, бетакрор анъана ва қадриятлари билан ҳамиша хорижликлар эътиборини жалб қилиб келган. Бу гўзал ва кўҳна заминга бўлган қизиқиш, айниқса, мустақиллик йилларида янада ортди, дейишга асослар етарли. Чунки ўтган 23 йиллик истиқлол даврида бевосита Президентимиз раҳнамолигида улуғ аждодларимиздан қолган маданий бойлик ҳамда ёдгорликларни қайта тиклаш, шаҳару қишлоқларимизни ободонлаштиришга жуда катта эътибор қаратилди. Бундай эзгу саъй-ҳаракатлар изчил давом эттирилаяпти.

# ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Депутатлар муҳокамасига “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам иккинчи ўқишда киритилди. Қонун лойиҳаси “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги қонун қабул қилинганлиги ва айрим қонун ҳужжатлари нормаларини қонунга мувофиқлаштириш зарурати туфайли ишлаб чиқилди. Тегишли тузатишлар “Давлат санитария назорати тўғрисида”ги, “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Ўрмон тўғрисида”ги, “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги, “Ўсимликлар карантини тўғрисида”ги, “Табиий монополиялар тўғрисида”ги, “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги қонунларга, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларига киритилмоқда.

Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлашда масъул қўмита томонидан ушбу ҳужжатни янада такомиллаштиришга қаратилган бир қанча тадбирлар ташкил этилди. Жумладан, фракциялараро дебатлар ўтказилди. Уларда барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари қонун лойиҳасини яхшилаш юзасидан аниқ таклифлар бердилар.

Моддама-модда муҳокама қилиш чоғида билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда депутатлар юқорида қайд этилган барча қонун ҳужжатларини маромига етказиш, уларни ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги бошқа қонун лойиҳалари билан бирга қабул қилиш учун тайёрлашни масъул қўмиталарга топширдилар.

Мажлис кун тартибига “Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам (янги таҳрирда) иккинчи ўқишда киритилди. Ушбу қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 14 январда қабул қилинган “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг демократик бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш соҳасида устувор йўналишларни амалга ошириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармойишига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Қонун лойиҳасида котировка, котировкалаш, трейдер, биржада бозорни манипуляция қилиш, инсайдерлик ахбороти, инсайдерлик битими, маркет-мейкер, икки томонлама котировка, ҳисоб-китоб клиринг тушунчалари киритилмоқда. Депутатларнинг фикрича, ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши биржа фаолияти ва биржалар иши масалаларида ягона ҳуқуқий қўллаш амалиёти учун шарт-шароит яратиш, биржа бозори иштирокчилари, акциядорлар ва давлатнинг манфаатларини мувозанатга келтириш, мамлакатимиз биржа бозорининг жаҳон биржа бозорига уйғунлашуви учун шарт-шароит яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини жаҳоннинг етакчи биржалари фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларига мувофиқлаштириш имконини беради.

Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш чоғида ишчи гуруҳ 50 дан ортиқ тадбир ўтказиб, уларда барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг вакиллари фаол иштирок этдилар. Улар томонидан депутатлар, экспертлар, олимлардан келиб тушган барча таклифлар кўриб чиқилди. Уларнинг энг муҳимлари ушбу ҳужжатни маромига етказишда инобатга олинди. Қонунчилик палатаси ҳар томонлама ва моддама-модда муҳокама этиш якунларига кўра ушбу қонунни қабул қилди. Мазкур қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига юборилади.

Парламент қуйи палатасининг аъзолари “Соғлом бола йили” Давлат дастурини ижро этиш мақсадида тайёрланган ва биринчи ўқишда кўриб чиқилган “Аҳолининг санитария-эпидемиология масалаларида осойишталиги тўғрисида”ги қонун лойиҳасига катта эътибор қаратдилар. Ушбу қонун лойиҳасида аҳолининг санитария-эпидемиология масалаларида осойишталигини таъминлашга доир давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан, якка тартибдаги тадбиркорлар, шунингдек, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги белгилаб берилади.

Ушбу қонун лойиҳасини муҳокама қилиш чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг вакиллари сўзга чиқдилар.

**Қаҳрамон ЭРГАШЕВ, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзоси:**

— Ўзбекистонда “Соғлом бола йили” Давлат дастурини рўёбга чиқариш давом эттирилмоқда. Дастур доирасида соғлом, баркамол авлодни шакллантириш учун қулай ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратишга қаратилган қонунчилик базаси такомиллаштирилмоқда, янги қоидалар ва нормалар ишлаб чиқиш давом эттирилмоқда. “Аҳолининг санитария-эпидемиология масалаларида осойишталиги тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам шулар жумласидандир. Ушбу қонун лойиҳаси мамлакатимизда барқарор санитария-эпидемиологик вазиятни сақлаш учун аҳоли саломатлигини асраш ва турли юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш бўйича изчил чора-тадбирларнинг боришини тизимлаштиради ва тартибга солади.

Биз қонун лойиҳаси қабул қилинишини концептуал жиҳатдан қўллаб-қувватлаган ҳолда хўжалик юритувчи субъектлар учун инвестиция муҳити ва бизнес иқлими ёмонлашишига йўл қўймаслик муҳимлигини таъкидламоқчи эдик. Шу муносабат билан тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тўхтатиб туриш суд тартибида амалга оширилишига эътибор қаратмоқчи эдим.

**Саттор РАҲМАТОВ, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси:**

— Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ фуқароларнинг соғлиғини асраш, шу жумладан, аҳолининг санитария-эпидемиология масалаларида осойишталигининг ишончли норматив-ҳуқуқий базасини яратишга доир кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бизнинг фикримизча, ушбу қонун лойиҳаси аҳолининг санитария-эпидемиология масалаларида осойишталигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларнинг комплекс тизимини мустаҳкамлашга кўмаклашади, шунингдек, ижро этувчи органлар ва назорат қилувчи хизматларга ушбу соҳадаги ишларнинг ҳолатини назорат қилиш имконини беради.

Хусусан, қонун лойиҳасида аҳолининг санитария-эпидемиология масалаларида осойишталигини таъминлаш доирасида меҳнат шароитларига қўйиладиган санитария-эпидемиологик талабларни аниқлаштириш назарда тутилмоқда, бу эса мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси учун тенг ва ижтимоий жиҳатдан қулай меҳнат шароитлари яратиш, уларнинг ўз касби билан шуғулланишини таъминлаш масалаларини самарали ҳал этишга хизмат қилади. Бу эса партиямиз Дастурининг устувор йўналишларидан биридир.

**Мавлуда АЛИМОВА, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси аъзоси:**

— Бизнинг партиямиз “Аҳолининг санитария-эпидемиология масалаларида осойишталиги тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ҳамда бугун мамлакатимизда ижтимоий соҳада олиб борилаётган кенг кўламли сиёсатни қўллаб-қувватлаган ҳолда аҳолининг саломатлигини мустаҳкамлашга, ижтимоий хавфли касалликларнинг олдини олиш ва уларга барҳам беришга қаратилган миллий давлат дастурларини фаоллаштириш ушбу йўналишдаги асосий вазифалардан бири деб ҳисоблайди.

**Ойша ОХУНОВА, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси аъзоси:**

— Ушбу қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда жиддий муаммолар, давлат санитария назорати тўғрисидаги қонун ҳужжатининг ҳолати ва қўллаш амалиёти, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормалари ва принциплари ўрганилди. АҚШ, Буюк Британия, Франция каби мамлакатларда санитария-эпидемиология масалаларида осойишталикни таъминлаш масалаларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш тажрибаси эътиборга олинди. Фикримизча, қонун лойиҳасида профилактика ишларини ташкил этиш масалаларига ва ўтказиш тартибига, хусусан фуқароларни гигиенага ўргатиш ва тарбиялашга, соғлиқни сақлаш соҳасидаги билим, кўникма ва малакага эга бўлишга ҳамда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ушбу масалалар аҳолининг санитария-эпидемиология масалаларида осойишталигини таъминлашнинг муҳим омиллари ҳисобланади.

**Дилором ФАЙЗИЕВА, Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи аъзоси:**

— Қонун лойиҳаси тараққиётнинг бугунги даражасини ҳамда атроф-муҳит омилларининг салбий таъсири билан изоҳланадиган касалликларнинг олдини олиш масалаларини самарали ҳал қилишга қўйиладиган талабларни инобатга олган ҳолда аҳолининг санитария-эпидемиология масалаларида осойишталигини таъминлашга қаратилган. Профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирларнинг муваффақиятли амалга оширилиши кўп жиҳатдан жамоатчиликнинг фаоллигига ҳамда ваколатли давлат органларининг қўллаб-қувватлашига боғлиқ. Шунингдек, мамлакатимизнинг бугунги тараққиёт босқичида аҳолининг санитария-эпидемиология масалаларида осойишталигини таъминлашда жисмоний ва юридик шахслар, якка тартибдаги тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилаб берувчи ва тўлдирувчи нормалар катта аҳамиятга эга.

Ҳозирги вақтда атроф-муҳитни ва инсон саломатлигини асраш нафақат давлатнинг, балки жамият, ҳар бир фуқаронинг вазифасига айланиб бораётганлигини ва бу Ўзбекистон экологик ҳаракатининг дастурий вазифаси эканлигини ҳисобга олган ҳолда ушбу қонун лойиҳасининг концепцияси бизнинг депутатлар гуруҳимиз томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланмоқда.

Муҳокама чоғида билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ушбу қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқуллади ҳамда уни биринчи ўқишда қабул қилди. Масъул қўмитага ҳужжатни келиб тушган таклифларни ҳисобга олган ҳолда иккинчи ўқишда кўриб чиқиш учун тайёрлаш топширилди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати.**

ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

# Ҳудудий дастурлар ижроси таҳлил қилинди

**НАВОИЙ** шаҳрида жорий йилнинг биринчи ярмида вилоятдаги ижтимоий-иқтисодий ҳолат сарҳисоби ва галдаги устувор вазифаларга бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди.

Таъкидланганидек, ҳисобот даврида вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот 5,5 фоиз ўсди, аҳоли бандлигини ошириш ҳамда турмуш даражасини юксалтириш йўналишида сезиларли натижаларга эришилди. Айни чоғда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 5,2 фоиз, шундан ҳудудий саноат маҳсулотлари 13,1, истеъмол товарлари 9,6, қурилиш ишлари 7,3, чакана савдо айланмаси 14,6, хизматлар ҳажми 14,9, ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти 7,1 фоиз ўсди. “Соғлом бола йили” Давлат дастурида белгиланган вазифалар учун қарийб 167,8 миллиард сўм маблағ йўналтирилиб, унинг йиллик ижроси 68,6 фоизга уддаланди. Шунингдек, экспорт режаси 108,1 фоизга бажарилди.

Вилоятдаги корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, замонавий, юксак технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришни ташкил этишни тезлаштириш борасида фаол инвестиция сиёсати юритишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Фаоллар йиғилишида айрим камчиликлар ва уларни бартараф этиш йўллари хусусида сўз юритилди ҳамда истиқболдаги устувор вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р. Азимов иштирок этди.

**САМАРҚАНД** шаҳрида ўтказилган фаоллар йиғилишида 2014 йилнинг биринчи ярмида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда жорий йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг устувор вазифаларини амалга ошириш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

Ҳисобот даврида вилоят иқтисодиётида барқарор ўсиш суръатлари тўлиқ таъминланиб, ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 10,4 фоизни ташкил қилди.

Тармоқ ва корхоналарни модернизациялаш ҳамда технологик қайта жиҳозлаш мақсадлари учун ўзлаштирилган 529,3 миллиард сўмлик инвестициялар саноатда 16,8 фоиз ўсишга эришилишида муҳим аҳамият касб этди. Жалб қилинган инвестициялар ҳажми 1 триллион 149 миллиард сўмдан иборат бўлди.

Фаоллар йиғилишида ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасида йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштиришда маҳаллий ҳокимликларнинг масъулиятини кучайтириш ҳамда янги иш ўринлари яратишда тижорат банклари томонидан амалга оширилиши лозим бўлган долзарб вазифалар хусусида ҳам сўз юритилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У. Розуқулов сўзга чиқди.

**ЖИЗЗАХ** шаҳрида бўлиб ўтган фаоллар йиғилишида 2014 йилнинг биринчи ярмида вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръати 8,9 фоизни ташкил этгани, жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 15,7, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 6, қурилиш ишлари 10,1, чакана товар айланиши 15,6 фоиз ўсгани таъкидланди. Ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида хизматлар улуши эса 50,6 фоизга етди.

Кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун тижорат банклари томонидан 148 миллиард сўм, жумладан, саноат соҳасини ривожлантириш учун 26,6 миллиард сўм кредитлар ажратилди.

Иқтисодий ночор ва паст рентабелли корхоналарни соғломлаштириш ҳамда бўш турган объектлар негизида ишлаб чиқаришни ташкил этиш юзасидан олиб борилган тадбирлар натижасида 76 та корхона фаолиятида ижобий ўзгаришларга эришилди. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида эса 5 та корхонада 25,3 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш дастурига асосан, 23200 та янги иш ўрни ташкил этилди. Уларнинг 16283 таси ёки 70,2 фоизи қишлоқ жойлари ҳиссасига тўғри келди.

“Соғлом бола йили” Давлат дастури доирасида 253,6 миллиард сўмлик маблағ ўзлаштирилиб, ёшларнинг турмуш тарзини янада яхшилаш, билим олиш ва спорт билан шуғулланиши учун зарур чора-тадбирлар кўрилди.

Якунда муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Икромов сўзга чиқди.

**Азамат ЗАРИПОВ, Мамадиёр ЗИЁДИНОВ, Тожиддин ҚАМАРОВ, «Халқ сўзи» мухбирлари.**

АНЖУМАН

*Иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, аҳоли даромадини ошириш, уларнинг бандлигини таъминлаш, умуман, турмуш фаровонлигини юксалтиришда молия муассасаларининг ўрни беқиёс. Эътиборлиси шундаки, мамлакатимизда кейинги йилларда молия-банк тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли бу жабҳада юксак самарадорликка эришилмоқда.*

# Банк тизимининг такомиллашуви

## барқарор ва ишончли фаолият юритишда муҳим омил бўлмоқда

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг жорий йил ярим йиллик фаолияти якунларига бағишланган кенгайтирилган бошқарув йиғилишида шулар ҳақида сўз юритилди.

Таъкидланганидек, ўтган давр мобайнида Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати макроиқтисодий кўрсаткичларнинг бажарилишига, Президентимизнинг банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишга қаратилган Фармон ва қарорларида белгиланган вазифаларнинг изчил ижросини таъминлашга қаратилди. Натижада нафақат халқаро меъёрларга, балки айрим йўналишлар бўйича ундан ҳам юқори кўрсаткичларга эришилди. Жумладан, айни пайтда тизим капиталининг етарлилик даражаси 24,6 фоизни ташкил этмоқда. Бу халқаро банк назорати бўйича Базель қўмитаси томонидан 8 фоиз этиб белгиланган талабдан 3 баробар кўпдир. Қолаверса, банкларнинг умумий капитали 6,6 трлн. сўмдан ошиб, тизимнинг ликвидлик даражаси бир неча йиллардан буён ушбу йўналишда жаҳон амалиётида умумий тарзда қабул қилинган, “юқори” деб аталувчи кўрсаткичдан 2 баробардан зиёдроқни ташкил этаётгани диққатга сазовордир.

Банк активлари ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 29 фоиз ўсиб, 48 трлн. сўмга етди. Буларнинг бари мамлакатимиз банкларига халқаро рейтинг агентликлари томонидан берилган ижобий рейтинг баҳоларини қайта тасдиқлаш ёки янада юқорига кўтариш учун асос бўлди.

Бундан ташқари, шу давр ичида иқтисодиётнинг реал секторини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, бунинг учун йўналтирилган кредитларнинг умумий миқдори 29,8 трлн. сўмдан оширилди. Молия муассасалари томонидан инвестиция мақсадларига ажратилган кредитлар ҳажми ҳам анча ортиб, 4,2 трлн. сўмдан зиёдни ташкил қилмоқда.

Бандлик ва мукаммал меҳнат бозорини шакллантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг таъсири катта эканлиги барчага яхши аён. Эътиборлиси, бу жараёнда тижорат банклари ҳам фаол иштирок этмоқда. Улар томонидан кичик бизнес субъектларига 4,8 трлн. сўмдан ортиқ кредит ажратилгани, бунда аёллар ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес ғояларини рўёбга чиқаришга жиддий аҳамият берилгани фикримизнинг яққол тасдиғидир.

Тадбирда мижозларга замонавий банк хизматлари кўрсатиш ва улар ишончини янада ошириш борасида мавжуд ички имкониятлардан тўлиқ фойдаланмаётган айрим тижорат банкларининг бўлим ҳамда филиаллари фаолияти танқид қилиниб, барча тижорат банкларига “Соғлом бола йили” Давлат дастури доирасидаги ишлар кўламини кенгайтириш бўйича вазифалар юклатилди.

Якунда муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Д. ЖУМАБОЕВ.**

# Тинчлик — энг улуғ неъмат

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Қаранг, юртимиз йил сайин иқтисодий жиҳатдан бақувват ва обод бўлиб бораяпти. Шаҳару қишлоқларимиз қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб, кўнглимизда фахру ифтихор туйғулари жўш ураяпти. Тўйлар тўйларга, байрамларга уланмоқда. Мана, куни кеча Президентимизнинг “Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Бу миллий анъана ва қадриятларимиз улуғланаётгани, осмонимиз мусаффо, дастурхонимиз тўкин, турмушимиз обод эканлигининг яққол исботи!

Умуман, 23 йиллик қисқа муддатда ўтмиш асоратларидан қутулиб, ривожланишнинг равон йўлига чиқиб олдик. Кўплаб соҳалардаги юқори ўсиш суръатларимиз жаҳоннинг манаман деган давлатларини ҳам ҳайратга солаётгани рост. Ваҳолонки, бундай марраларга эришиш учун тараққий этган айрим мамлакатлар бир неча асрлик даврни босиб ўтгани кўпчиликка яхши маълум.

Бироқ юқорида айтиб ўтган муваффақиятларимизни олқишлаётган дўстларимиз қатори, ҳасадга берилиб, бизга қарши турли қабиҳликлардан тоймайдиган, керак бўлса, бунинг учун катта-катта маблағини аямайдиган ёвуз кучлар ҳам борлигини асло ёдимиздан чиқармаслигимиз керак. Бу эса ҳар биримиздан кўзимизни каттароқ очиб, огоҳ бўлиб яшашни талаб этади. Чунки ҳозирги ўта таҳликали ва қалтис замонда, ён-атрофимизда турли хавф-хатарлар кучайиб бораётган бир шароитда энг катта ва бебаҳо бойлигимиз — тинчлик-осойишталикни кўз қорачиғидек сақлаш устувор вазифа ва мақсадимиздир. Ана шу жараёнда давлатимиз раҳбарининг “Бу муқаддас заминда менинг киндик қоним тўкилган, ота-боболаримизнинг муборак хоклари ётган ушбу тупроқни мен ҳимоя қилмасам, ким ҳимоя қилади?” деган сўзлари ҳар биримизнинг ҳаётий эътиқодимизга айланиши зарур.

Зеро, Ватан — муқаддас, Ўзбекистонимиз — ўзимизники! Шундай экан, уни кўз қорачиғидай асраб-авайлаш, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга ўзимиз — барчамиз масъулмиз!

**Убайдулла ИСОМХОНОВ, меҳнат фахрийси.**
Тошкент шаҳри

# Обод ва фаровон турмуш асоси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Дарҳақиқат, Ўзбекистонимиз замини — саховатли. Бу ерда унган ҳар бир гиёҳ ўзига хос, боғларидаги мевалар, пайкалларидаги қовун-тарвузларнинг таъми ўзгача. Деҳқонлари меҳнаткаш, чорвадорлари фидойи. Истиқлол йилларида соҳада изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли улар томонидан тайёрланаётган маҳсулотларни қайта ишлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда Президентимизнинг 2011 йил 31 октябрдаги “2012 — 2015 йилларда республика озиқ-овқат саноатини ривожлантиришни ва бошқарувини ташкиллаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори муҳим дастуриламал бўлмоқда. Чунки ушбу ҳужжатда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда аҳоли истеъмоли учун узлуксиз ва етарли миқдорда озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш мақсадида республикамиз бўйича янги корхоналар ташкил этиш, мавжудларини модернизация қилиш сингари муҳим вазифалар белгилаб берилган бўлиб, ҳозирги кунда улар қатъий ижро этилмоқда. Масалан, Тошкент вилоятининг Зангиота туманида жойлашган “Master delekatesov” масъулияти чекланган жамиятида 2003 йилда атиги ўн нафар киши меҳнат қилар ва улар томонидан 10 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилар эди, холос. Мана, вақт ўтиб, аҳвол бутунлай ўзгача тус олди: ишчилар сони салкам 100 нафарга етиб, тайёрланаётган маҳсулотлар тури эса 100 тадан ошиб кетди.



— Бундай муваффақиятга эришишимизда корхонамизни кейинги етти йил ичида Германия, Австрия, Беларусь Республикасидан келтирилган “Laska”, “Shaller”, “Компо”, “Holac”, “Inject star” русумидаги гўштни қайта ишлаш замонавий ускуналари билан жиҳозлаганимиз қўл келмоқда, — дейди жамият раҳбари Отабек Мусаев. — Айни пайтда ушбу ускуналар ёрдамида бир кеча-кундузда 5 тоннадан ортиқ колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқараяпмиз.

Бундан ташқари, аҳолига узлуксиз равишда сифатли маҳсулот етказиб бериш мақсадида пойтахтимизда 18 та махсус савдо дўконимиз фаолияти йўлга қўйилган бўлса, Навоий, Бухоро, Қашқадарё ва Фарғона вилоятларидаги йирик савдо комплекслари ҳам маҳсулотларимизнинг доимий харидори ҳисобланади.

Яна шуни ҳам айтиш керакки, юртимизда ишбилармонлик муҳитининг тобора яхшиланиб бораётгани, тадбиркорларга солиқ ва бошқа йўналишларда енгилликлар берилаётгани хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Мисол учун, мазкур жамоада давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 26 январдаги “Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”-ги қарорига мувофиқ, белгиланган солиқ имтиёзлари асосида жорий йилда хориждан 2,1 миллиард сўмлик хом дудланган колбаса маҳсулотларини ишлаб чиқариш линияси харид қилинди. Корхона бош технологи Дилмурод Болтабоевнинг айтишича, август ойида янги ускуна тўлиқ ишга туширилгач, истеъмолчиларга нафақат янги маҳсулот тақдим этилади, балки ишчилар сони яна 35 фоиз ортади.

Корхонада “Устоз — шогирд” анъанаси ҳам яхши йўлга қўйилган. Ишлаб чиқилган қўшма режага кўра, Тошкент кимё-технология институти талабалари ҳамда Кенсой агросаноат ва бизнес касб-ҳунар коллежи ўқувчилари амалиётни шу ерда ўташмоқда. Шу тариқа улар малакали мутахассислар кўмагида назарий билимларини мустаҳкамлаб бормоқдалар.

Мутахассислар инсон саломатлиги, унинг узоқ ва баракали умр кўриши витаминларга бой, сифатли маҳсулотларни истеъмол қилиш билан чамбарчас боғлиқ эканлигини бежиз таъкидлашмайди. Зеро, бундай маҳсулотлар организмда тўғри модда алмашинуви, саломатликни мустаҳкамлаш, касалликларнинг олдини олишда, соғлом авлодни вояга етказишда муҳим омилдир. Юртимизда эса ана шу неъматлар бисёр. Уларни етиштиришни кўпайтириш, сифатли сақлаш ва истеъмолчилар талаблари асосида етказиб бериш борасида амалга оширилаётган ишлар шундай эзгу мақсадларга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**
Бахтиёр АКРАМОВ олган суратлар.



Тошкент: Фуқаролар йиғинлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида фонд бўлимлари томонидан 421 фуқаролар йиғини компьютер жамламалари, 488 таси мебель жиҳозлари билан таъминланди.

# БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИ — ҚАТЪИЙ НАЗОРАТ ОСТИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бундан ташқари, қўмитанинг Бухоро вилоятидаги бўлинмалари фаолиятини ўрганишда Вобкент, Пешку ва Когон туманларида томорқа участкаларини инвентаризация қилиш бўйича қиймати 200 миллион сўмлик ишлар сифатсиз бажарилгани ва қўмита ушбу камчиликларга йўл қўйган айбдор муассасаларга нисбатан 40 миллион сўм миқдорида жарима санкцияларини қўллагани аниқланди.

Текширув натижаларига асосан, йўл қўйилган камчилик ва нуқсонлар бартараф қилинди, инвентаризация бўйича ўзгартирилган маълумотлар туман солиқ органларига тақдим этилди.

Қўмитанинг худудий бўлинмалари юридик ва жисмоний шахсларга қишлоқ ва ўрмон хўжалигини юритиш билан боғлиқ бўлмаган мақсадлар учун ер ажратишда зарар кўрилган 7404,0 миллион сўм миқдоридаги маблағни ундириш бўйича тегишли чоралар кўрмаган, ўз вақтида амалга оширилмаган тўловлар учун 1283,1 миллион сўм миқдоридаги пеня ҳисобланмаган.

2012-2013 йилларда қўмитанинг таркибий бўлинмалари томонидан жисмоний шахсларга кадастр маълумотномаларини беришда тариф ошириб кўрсатилган ва бунинг оқибатида қиймати 1581,1 миллион сўм асоссиз даромад олинган.

Ҳосилдорлиги паст ерларда пахта етиштириш билан шуғулланадиган қишлоқ хўжалиги корхоналарига давлат томонидан дотация берилмоқда. Текширув чоғида ҳосилдорлиги юқори ерларга эга 44 қишлоқ хўжалиги корхонасига 131,4 миллион сўм бюджет маблағлари асоссиз тўлангани, экин майдонлари ҳажми сунъий равишда оширилиши натижасида 36 та фермер хўжалигига 28,8 миллион сўм ортиқча ажратилгани аниқланди.

Бундан ташқари, туман комиссиялари аъзолари олинмаган ҳосил миқдорини нотўғри аниқлагани оқибатида 1066 қишлоқ хўжалиги корхонасига 1931,0 миллион сўм ортиқча тўланган.

Туман комиссиялари томонидан ҳисобга олинган пахта майдонларининг балл-бонитет кўрсаткичлари туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимларининг ер хариталарида кўрсатилган шундай кўрсаткичлар билан таққосланди. Таққослаш давомида 386 қишлоқ хўжалиги корхонаси томонидан туман комиссиясига ерларнинг балл-бонитет кўрсаткичлари пасайтирилган маълумотлар тақдим этилгани аниқланди. Бунинг натижасида ушбу 386 қишлоқ хўжалиги корхонасига 625,5 миллион сўм ноқонуний тўланган.

Навоий вилояти маҳаллий бюджетининг 2013 йилги ижросини ўрганишда қиймати 508,4 миллион сўмлик солиқ, йиғим ва бошқа тўловлар қўшимча ҳисобланди ва шунинг 429,6 миллион сўми ундирилди.

Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун ажратилган бюджет маблағларидан мақсадли ва манзилли фойдаланишни ўрганиш бўйича ўтказилган назорат-таҳлил тадбирлари давомида ўзини ўзи бошқариш органлари амалдаги меъёрий ҳужжатларни бузган ҳолда, оилалар даромадини етарли даражада ўрганмасдан, қалбаки ҳужжатлар асосида ва комиссиялар қарорисиз нафақа ҳамда моддий ёрдам берилгани аниқланди.

Натижада Қизилтепа туманидаги 34 та ўзини ўзи бошқариш органида 56 нафар фуқарога 31,5 миллион сўм, Навбаҳор туманининг 22 та ўзини ўзи бошқариш органида 60 нафар фуқарога 39,4 миллион сўм, Нурота туманидаги 18 та ўзини ўзи бошқариш органида 61 нафар фуқарога 23,6 миллион сўм ва Хатирчи туманидаги 29 та ўзини ўзи бошқариш органида 36 нафар фуқарога 29,3 миллион сўм нафақа ва моддий ёрдам нотўғри тайинланган ва шунинг 63,8 миллион сўми тўланган.

Шунингдек, вилоят таълим муассасаларида меҳнат қилаётган педагогларнинг маълумотини тасдиқлайдиган ҳужжатлар ҳақиқийлигини текшириш чоғида 57 таълим муассасасида ишлаётган 72 нафар педагогнинг дипломи қалбаки экани ва уларга бюджетдан 1693,3 миллион сўм тўлангани аниқланди.

Соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида бюджет ва смета-штат интизомига риоя этиш ўрганилганда, текширилган тиббиёт бирлашмаларининг штат жадвалига нормадан ортиқ 8,75 штат бирлиги киритилиши натижасида 63,8 миллион сўм ортиқча тўлаш режалаштирилгани ва шунинг 44,1 миллион сўми тўлангани, ходимлар разрядининг оширилиши оқибатида эса 11,8 миллион сўм бюджет маблағи ортиқча сарфлангани аниқланди.

Намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги уй-жойлар, коллеж ва спорт мактаблари қурилаётган массивларда ички йўллар ва сув таъминоти тармоқларини барпо этиш учун бюджет маблағларини режалаштириш таҳлил этилганда, олтита объектда бошланғич қурилиш қиймати 276,2 миллион сўмга оширилгани аниқланди, шундан тўрт объектда ортиқча сарфланган 168,5 миллион сўм кейинчалик пудратчи ташкилотни молиялаштириш даврида камайтириб қолинди.

Бундан ташқари, мазкур объектларда сарфланган харажатларни ўрганиш бўйича ўтказилган назорат тадбирларида қиймати 208,7 миллион сўмлик иш ҳажми ошириб кўрсатилгани ва сифатсиз бажарилгани аниқланди.

Жумладан, Хатирчи туманидаги “Янги қишлоқ” ва “Ғаллабек” массивларида сув таъминоти объектларини барпо этиш учун ажратилган 13,7 миллион сўм маблағдан самарасиз фойдаланилган, шунингдек, Агросервис касб-ҳунар коллежида 62,2 миллион сўмлик ишламайдиган 12 иситиш қозони ўрнатилгани сабабли объектларни ичимлик суви, биноларни иссиқлик билан таъминлаш имкони бермаган.

Вилоят халқ таълими бошқармаси ва “Ўқув таълим таъминот” давлат унитар корхонаси ўртасида тузилган шартнома асосида таълим муассасаларига 8276 тонна кўмир бешта транспорт корхонаси томонидан етказиб берилган ва уларга кўрсатилган 698,1 минг тонна/километр ҳажмдаги транспорт хизматлари учун 418,9 миллион сўм тўланган ёки 129 миллион сўм бюджет маблағлари ортиқча тўланган.

Шунингдек, 6 та тумандаги “Баркамол авлод” болалар марказларини жиҳозлашда “бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоб-фактура”ни қалбакилаштириш орқали хусусий корхонага 668,3 миллион сўм бюджет маблағи ўтказилгани, амалда эса 43,5 миллион сўмлик инвентарь етказиб берилгани ёки 624,8 миллион сўмлик инвентарь етишмаслиги аниқланди.

Педагогика йўналишидаги еттита олий ўқув юрти текширилганда, белгиланган ўқув юкламасини бажармаган педагог ходимларга бюджет маблағлари ҳисобидан иш ҳақи асоссиз берилганлиги аниқланди.

Масалан, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида педагогларга бажарилмаган 563 соат ўқув юкламаси учун 7,2 миллион сўм, Навоий давлат педагогика институтида 9,7 миллион сўм, Тошкент вилоят давлат педагогика институтида 11,2 миллион сўм асоссиз тўланган.

Талабалар ўзлаштиришининг якуний кўрсаткичлари сунъий равишда оширилгани натижасида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан Тошкент давлат педагогика университетида 105,6 миллион сўм, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида 43,2 миллион сўм, Тошкент вилоят давлат педагогика институтида 20,2 миллион сўм, Нукус давлат педагогика институтида 16,9 миллион сўм, Қўқон давлат педагогика институтида 9,2 миллион сўм стипендия ортиқча тўланган.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг 21 бўлинмасида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлардан мақсадли фойдаланиш текширилганда, белгиланган чекланган сондан ташқари 37 енгил автомобиль мавжудлиги ва уларни сақлаш учун 106,4 миллион сўм ортиқча маблағ сарфлангани аниқланди.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тизимидаги ташкилотлар томонидан бюджет маблағлари ҳисобидан харид қилинган асосий воситаларни сотишдан тушган маблағларнинг 234,8 миллион сўми ёки 50 фоизи бюджетга ўтказилмаган.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тизимидаги ташкилотларда мамлакат табиий ресурсларидан фойдаланиш устидан назорат тегишли даражада ўрнатилмаган. Виждонсиз тадбиркорлар бундан фойдаланиб, табиий ресурсларимизни талонторож қилмоқда.

Мисол учун, хусусий тадбиркорлар Р. Зокиров ва А. Хегай 525,36 тонна ва 635,76 тонна қизилмия ўсимлигини экспорт қилган. Ҳужжатларни ўрганиш чоғида ушбу маҳсулотни экспорт қилиш учун рухсатнома қалбакилаштирилгани аниқланди. Бунинг натижасида маҳсулот экспортига рухсат олиш учун 274,3 ва 310,6 миллион сўм йиғим тўланмаган. Бундан ташқари, мазкур ўсимлик рухсатсиз терилгани туфайли умумий қиймати 25,7 миллиард сўм зарар етказилган.

Мамлакатимиз табиий ҳавзаларида балиқчилик билан шуғулланадиган хўжалик субъектлари томонидан ижара тўловларини ҳисоблаш ва тўлашда ҳам камчиликларга йўл қўйилган.

Жиззах вилоятида 1,8 миллиард сўмлик ижара тўловлари ҳисобланмагани ва текширув чоғида ҳисобланган 1,2 миллиард сўм тўланмагани аниқланди. Ижара тўловларини ўз вақтида тўламаган тадбиркорларга масъул ташкилотлар томонидан 2,1 миллиард сўмлик жарима санкциялари қўлланилмаган.

Бюджет маблағлари — давлат ва халқ мулкидир. Улардан мақсадсиз ва тежамкорликсиз фойдаланганлик учун тегишли жавобгарлик кўзда тутилган.

Шу нуқтаи назардан, молиявий назорат якунлари бўйича молиявий ҳуқуқбузарлик ва камчиликлар аниқланган текшириш материаллари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ва Молия вазирлиги томонидан бюджетдан молиялаштириладиган ташкилотларда давлат молиявий назорати тизимли асосда давом эттирилиши ва ажратилаётган бюджет маблағларидан нооқилона, мақсадсиз фойдаланишга йўл қўйган ҳар қандай масъул ходим қонунчилик доирасида жавобгарликка тортилишини яна бир бор эслатиб ўтамиз.

**Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси**

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси**

# Аҳоли саломатлиги — устувор мақсад

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Президентимизнинг “Тошкент давлат стоматология институтини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори эса бугунги кунга қадар юртимизда тиббиёт, қолаверса, стоматология соҳасига кўрсатилаётган эътиборнинг яна бир амалий ифодаси бўлди.

Ушбу қарорнинг эълон қилиниши мамлакатимизда мазкур йўналишда ҳар томонлама етук, юқори малакали кадрлар тайёрлашда кенг имкониятлар эшигини очиб беради. Унда белгиланган вазифалар биз, стоматологлар, профессор-ўқитувчилар ва барча тиббиёт ходимларига катта масъулият юклайди. Қарор замирида мамлакатимиз тараққиётини белгилайдиган, унинг гуллаб-яшнашини таъминлайдиган билимли, ақлли, ўз интеллектуал ва жисмоний имкониятларини намоён этишга қодир авлодни вояга етказиш мақсади мужассам.

Стоматология соҳасидаги юқори малакали тиббиёт кадрларини халқаро талаблар ва стандартлар даражасида тайёрлашни янада такомиллаштириш, таълим жараёнини ташкил қилишнинг замонавий талабларига мос келадиган ўқув ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириш, илғор ахборот-коммуникация ва таълим технологияларини жорий этиш, бўлғуси стоматолог мутахассисларнинг назарий тайёргарлигини амалий кўникмалар билан чамбарчас боғлаган ҳолда олиб боришни таъминлаш айни муддаодир. Мазкур ҳужжатда Тошкент давлат стоматология институтининг мақсад ва вазифалари, унинг асосий фаолияти аниқ белгилаб қўйилганлиги соҳани тубдан такомиллаштиришга хизмат қилиши муқаррар.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, биз тиббиёт ходимларининг кўнглида ифтихор ҳиссини туйган ҳолда, сидқидилдан меҳнат қилишимиз учун энг катта асос, бу — Президентимиз ғамхўрлиги ва эътибори. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш қаратилган изчил ислоҳотлар кўлами йил сайин кенгайиб бораётгани ҳам бежиз эмас. Зотан, бундай янгиланиш ва ўзгаришлар инсон ҳамда унинг манфаатларини таъминлаш, турмушнинг ободлиги, фаровонлигига эришишга қаратилганлиги билан қадрлидир.

**Ниғмон ХАБИЛОВ,**
**Тошкент тиббиёт академияси стоматология факультети декани, тиббиёт фанлари доктори, профессор.**

# Эзгулик, саховат ва меҳр-оқибат айёми

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бу сафарги Рамазон ойи яна шу билан шарафли ўтмоқдаки, “Соғлом бола йили” деб ном олган йилда юртимиз аҳли ўз оилаларида аҳиллик, тотувлик, тарбия ва руҳий фароғат қарор топиши учун тинмай ҳаракат қилишмоқда. Оилаларимизнинг намунали бўлиши, оила аъзолари ўртасида меҳр-оқибат, тотувлик, ўзаро ҳурматнинг барқарорлиги, болаларга пухта таълим-тарбия бериш, ёш оилаларга турмуш сабоқларини эринмай ўргатиш каби омилларнинг рўёбга чиқаётгани эса янада қувонарлидир. Бинобарин, динимиз ҳар бир киши ўз остидаги кишилар учун масъулдир, деб таълим беради.

Нуронийларнинг энг кўп такрорлайдиган дуоси — “Илоҳо, хонадонларимизни тинч ва осойишта, юртимизни обод қил”. Доно халқимизнинг “Қўшнинг тинч — сен тинч”, “Тинчлигинг — ҳурлигинг” каби мақолларида ҳам тинчлик қанчалик бебаҳо неъмат эканлиги ифодаланган. Пиру бадавлат кишилар насиҳатида, оналар алласида тинчлик, хотиржамлик кўп тилга олиниши бежиз эмас. Бинобарин, ҳозирги пайтда юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшаб, ён-атрофимизда юз бераётган ҳодисалардан огоҳ бўлиб, мана шундай қалтис ва мураккаб вазиятда мамлакатимизда эришилаётган ривожланиш тинчликнинг эвазига қўлга киритилаётганини, осуда ҳаёт эса ўз-ўзидан, осонликча бўлмаслигини унутмаслигимиз керак.

Аслида, атрофга бир назар ташлайлик, бугунги бунёдкорлик, ободончилик ва кундан-кунга гўзаллашиб бораётган гўшаларни кўриб, кишининг кўзи қувонади, дили яйрайди. Шулар ҳис этарканмиз, азизлар, фарзандларимиз, набираларимиз бахти учун суюниб яшайлик, уларнинг ёшлик йиллари саодатли, шукуҳли замонга тўғри келганини англатайлик. Ёшларимиз ҳамманинг ҳавасини келтирадиган, истеъдодли бўлиб вояга етишаяпти. Буларнинг бари тинчлик-осойишталик, фаровон ҳаёт маҳсули, ёш авлоднинг илмли ва билимли бўлишлари учун яратилган шарт-шароитларнинг натижасидир.

Мана шундай улуғ кунларда ният қиламизки, Аллоҳ таоло юртимиз фаровонлиги, элимиз тинчлигини янада зиёда қилсин. Истиқлолимизнинг нурафшон ёғдуси қалбларимизни мунаввар айлайверсин.

**Раҳматулла САЙФУДДИНОВ,**
**Тошкент шаҳридаги «Хўжа Аламбардор» жоме масжиди имом хатиби.**

ЭЪЛОН

«EFFECT REAL GROUP» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

Аукцион савдосига АТИБ «Ипотека-банк» Фарғона вилояти филиали балансидаги Учкўприк тумани, «Учкўприк» ҚФЙ, Учкўприк қишлоғи, Ҳамид Олимжон кўчасида жойлашган МЧЖ шаклидаги «Valley mountain`s fresh» консерва заводининг бир қисми такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 7 557 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 27 август куни соат 10.00 да бўлиб ўтади.

Талабгорлардан савдода қатнашиш учун аризалар 2014 йил 26 август куни соат 17.00 гача қабул қилинади.

Мазкур кўчмас мулк (улушлар) 2014 йил 27 август кундаги савдода сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2014 йил 11 сентябрь куни соат 10.00 да бўлиб ўтади ва аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин соат 18.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосига қўйилган объект ва унинг ҳужжатлари билан савдо ташкилотчиси ёки АТИБ «Ипотека-банк» Фарғона вилояти филиалида бевосита танишиш мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, объект бошланғич баҳосининг 0,5 фоизи миқдоридаги закалат пулини тўлов ҳужжатида объект номини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчиси — «Effect real group» МЧЖнинг «Савдогарбанк» Фарғона вилояти бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000704943278001, МФО: 00500, СТИР: 302128329.

Тўловнинг асосий шартлари: сотиш билан боғлиқ банк харажатларини тўлаш ва сотиб олувчи томонидан олдиндан 15 фоиз тўлови шартнома имзоланган кундан бошлаб 30 банк иш куни ичида амалга ошириш, қолган 85 фоиз тўловини сотувчи билан ўзаро келишувга асосан амалга ошириш.

Бошқа шартлари: 15 фоиз тўлов олдиндан амалга оширилгандан сўнг сотиб олувчига объектни тасарруф этиш ҳуқуқисиз эгалик ҳуқуқини расмийлаштириш ҳамда мазкур 15 фоиз миқдордаги тўлов гаров деб ҳисобланади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар: Ўзбекистон Республикаси фуқаролари — паспорт нусхаси, хорижий юридик шахслар — улар уставининг белгиланган тартибда легализация қилинган нусхаси, хорижий фуқаролар — чет давлат миллий ёки дипломатик паспорти ва Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган ва яшаш гувоҳномасига эга бўлган шахслар — яшаш гувоҳномаси билан хабарномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат пули тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжати нусхасини тақдим этади. Талабгор буюртманома бериш, савдода ҳамда савдо натижалари бўйича расмийлаштириладиган ҳужжатлар ваколатли вакил томонидан қатнашганда ва имзоланган тақдирда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

**Талабгорлар барча саволлар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин: Фарғона шаҳри, Аҳмад Фарғоний кўчаси, 43-уй. Телефон: (+99 895) 404-54-84, «Effect real group» МЧЖ.**

Хизматлар лицензияланган.

1123R/593

# ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*Тайванда маҳаллий йўналиш бўйича қатновчи “ATR-72” русумли йўловчи самолёт ҳалокатга учради.*

## Қўниш чоғидаги бахтсизлик

“Рейтер” ахборот агентлиги хабарига кўра, мамлакатда довул кузатилаётгани боис синоптиклар парвозларни вақтинча тўхтатиб туриш ҳақида аввалроқ ўз тавсияларини билдиришган. Бироқ бундай огоҳлантиришларга қарамай, самолёт осмонга кўтарилган. Натижада фавқулодда ҳолат юзага келган. Яъни кучли шамол эсаётгани учун учувчилар дастлаб лайнерни муваффақиятли қўндиришга тўла ишонч ҳосил қила олмай, иккинчи уринишни амалга оширишган. Лекин барибир фалокат рўй берган. Самолёт аэропорт яқинида ерга қулаб, иккита уйга зарар етказган. Оқибатда 48 киши ҳалок бўлди, 10 киши жароҳатланди.

## Сирли сайёра сари

*Келаси йили Қуёш тизимида энг узоқ масофада жойлашган Плутон митти сайёрасининг илк суратларини кўришимиз мумкин.*



Гап шундаки, “NASA” космик агентлиги мазкур сайёрани ўрганиш учун 2006 йилда махсус аппарат учирган эди. “Янги горизонтлар” деб номланувчи ушбу қурилма 2015 йилнинг 15 июлида кўзланган манзилга етиб боради. Барча учун сирли бўлган Плутон митти сайёраси ҳақидаги дастлабки маълумотларни мутахассислар ҳам интиқлик билан кутишаётганини билдиришди.

## Энг юпқа смартфон

*Хитойда дунёдаги энг юпқа смартфон ишлаб чиқарилади. Бу ҳақда мамлакат сертификатлаштириш бошқармаси (TENAA) хабар тарқатди.*



“Gionee GN9005” деб номланган мазкур қурилманинг корпуси рекорд даражада ингичка бўлади. Аниқроғи, унинг қалинлиги 5 мм., оғирлиги 94,6 гр., HD функцияга эга экрани эса 4,8 дюймга тенг. Янги турдаги смартфон энг сўнгги коммуникация технологиялари билан жиҳозланган. Камералари саккиз ва беш мегапикселда суратга олади.

“Gionee GN9005” шу йилнинг охиригача савдога чиқарилади.

## Евроҳудуднинг навбатдаги аъзоси

*Европа Иттифоқи Кенгаши 2015 йилнинг 1 январидан эътиборан Литва евроҳудудга қўшилишини тасдиқлади.*



Шу муносабат билан ташкил этилган матбуот анжуманида Италиянинг Европа масалалари бўйича вазири Сандро Гози Литвани ягона валюта бирлигига 19-аъзо мамлакат бўлиб кирганини билан табриклади. Ўз навбатида, Литва бош вазири Альгирдас Буткявичюс бунга эришиш учун мамлакат узоқ муддатли синовдан ўтганини қайд этди.

Эслатиб ўтамиз, Литва 2007 йилда ҳам евроҳудудга қўшилишга ҳаракат қилганди. Аммо ўшанда мамлакат иқтисодиёти Еврокомиссия талабларига тўғри келмаганди.

## Айбсизлиги исботланди

*АҚШнинг Вашингтон суди афроамерикалик Кевин Мартин исмли маҳбусни жазо муддатининг 26-йилини ўтаётганида айбсиз, деб топди.*

50 ёшга кирган бу шахс 1982 йилда бир аёлга тажовуз қилиб, сўнгра уни ўлдирганликда айбланиб, қамалган эди. Аммо ўтказилган ДНК текширувлари унга туҳмат қилинганини кўрсатди.

Озодликка чиққан Кевин жуда бахтиёрлигини яширмади. Ҳақиқат қарор топмаганда, у яна 11 йил қамоқ муддатини ўташи керак эди.

## Ижтимоий тармоқнинг даромади

*Жаҳонга машҳур “Facebook” ижтимоий тармоғи шу йилнинг иккинчи чорагида 791 миллион АҚШ доллари миқдорида соф фойда кўрди.*

Ушбу даврда унинг даромади 61 фоиз ошиб, 2,91 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Маблағ тушумининг асосий қисми эса рекламадан олинди. Бу борадаги кўрсаткич апрель — июнь ойларида 67 фоиз кўтарилган.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

“O‘zbekiston” телерадиоканали жамоаси Перспектив телелойиҳалар студияси катта муҳаррири Дилором Акромовага волидаи муҳтарамаси **ТОЖИХОН** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



Жаҳон 24 соат ичида: Ҳаваскор балиқчи Даниэль Беннетт Скай ороли соҳилида вазни салкам юз килограммга тенг скат балиғини қарийб икки соат давом этган олишувдан сўнг тутиб олди.

IPOTEKA BANK

«Ипотека-банк»:

# Кичик бизнесни ривожлантириш йўлида

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб молия-банк тизимини ислоҳ қилиш, тижорат банкларининг фаолиятини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг изчил ижроси таъминланаётгани туфайли тизимда улкан ижобий ўзгаришларга эришилмоқда. Банкларнинг капиталлашуви, уларнинг барқарорлиги ва ликвидлиги тобора мустаҳкамланаётгани бунинг яққол далилидир.

Юртимиз молия бозори ривожида, айтиш мумкинки, “Ипотека-банк” акциядорлик тижорат ипотека банкининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Негаки, мазкур молия муассасаси юксак салоҳияти, бой тажрибаси орқали мижозлар билан ишлаш ва мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтириш борасида ижобий натижаларга эришмоқда. Жорий йилнинг олти ойи давомида банкнинг устав капитали 138,3 миллиард сўмни, умумий капитали 266,3 миллиард сўмни ташкил этгани бунга мисол бўла олади. Шу билан бирга, банк депозит базаси 1778,2 миллиард сўмга етди.

Айни пайтда мазкур молия муассасаси томонидан жойлардаги 37 та филиали, 115 та минибанки, 500 дан ортиқ жамғарма кассалари орқали аҳоли ва хўжалик юритувчи мижозларга сифатли хизмат кўрсатиб келинмоқда. Бу кенг тармоқли тузилмада меҳнат қилаётган жамоанинг саъй-ҳаракатлари билан банкнинг кредит портфели йил бошидагига нисбатан 240,2 миллиард сўмга ортиб, 2168,1 миллиард сўмга етказилгани алоҳида эътиборга моликдир.

Таъкидлаш керакки, 2008 йилдан бошлаб “Ипотека-банк” халқаро рейтинг агентликларининг истиқболи “Барқарор” рейтингларига сазовор бўлиб келмоқда. Жумладан, 2014 йил 26 майда “Standard & Poor's” халқаро рейтинг агентлиги “Ипотека-банк”нинг “B+/B” рейтингини, орадан икки кун ўтиб, “Moody's” халқаро рейтинг агентлиги “B2” рейтингини тасдиқлади.

Ушбу рейтинг баҳолари банк томонидан корпоратив бошқарувни такомиллаштириш, капиталлашув даражасини ошириш, ресурслар базасини мустаҳкамлаш, активлар сифатини яхшилаш, кўрсатилаётган банк хизматлари кўламини кенгайтириш борасида эришилаётган ютуқларнинг амалий самарасидир.

Иқтисодиётимиз таянчига айланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш “Ипотека-банк” фаолиятининг устувор йўналишларидан биридир. Ҳозирги пайтда банк мижозларининг 67 мингдан ортиғини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари ташкил этаётган бўлиб, уларга турли банк хизматлари кўрсатилмоқда. Масалан, банк томонидан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар натижасида 2014 йил биринчи ярмида жами 753 млрд. сўмлик кредитлар ажратилган бўлса, шундан 377 млрд. сўми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига йўналтирилди. Бунинг эвазига 3600 дан зиёд иш ўринлари яратилди. Бундан ташқари, соҳага ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,4 баробар кўп, жами 5,4 млрд. сўмлик микрокредитлар ҳам ажратилди.

Кейинги йилларда кичик бизнесга яратиб берилган қулай шарт-шароитлардан оқилона фойдаланиб, тадбиркорликни йўлга қўйган ишбилармон аёллар сони тобора кўпаймоқда. Улар нафақат оиласи, балки мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Шу боис тадбиркор аёлларнинг бизнес фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларга молиявий кўмак бериш масаласига давлатимизда устувор аҳамият қаратилмоқда. Буни инобатга олган ҳолда, “Ипотека-банк” томонидан бир қатор амалий ишлар олиб борилиб, жумладан, 2014 йилнинг биринчи ярмида тадбиркор аёлларга жами 43,5 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Шунингдек, сервис соҳасини ривожлантириш мақсадлари учун 65,6 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари йўналтирилди.

Президентимизнинг 2007 йилнинг 18 майдаги “Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 6 ойида жами 5,9 млрд. сўм миқдорида микрокредитлар ажратилди. Бу эса мустақил ҳаётга қадам ташлаётган 94 та ёш оиланинг жамиятда ўз ўрнини топиб олишида катта туртки бўлмоқда. Қолаверса, 4,6 млрд. сўм миқдоридаги маблағ оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун сарфландики, бу оилалар моддий аҳволини яхшилашда янги имкониятлар эшигини очаяпти.

Бизнесини бошламоқчи бўлганларнинг кредит олиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан бошланғич сармояни шакллантириш учун микрокредитлар ажратиб келинмоқда. Бу, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенгроқ жалб этишда қўл келаётир. Масалан, шу йилнинг ўтган даври мобайнида коллеж битирувчилари 7,5 млрд. сўмлик микрокредитларга эга бўлдилар.

Президентимиз мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида қайд этганидек, “...2014 йил саноат соҳасида юксак технологияларга асосланган ва замонавий муҳим объектлар ва қувватларни ишга тушириш, инвестицияларни ошириш ва такомиллаштириш йили бўлади.

Молиялашнинг барча манбалари бўйича капитал қўйилмаларнинг умумий ҳажми 14 миллиард 300 миллион АҚШ долларни ташкил этади ва бу кўрсаткичнинг ўтган йилга нисбатан 10,1 фоизга ўсиши таъминланади, асосий капиталга киритиладиган инвестициялар ҳажми ялпи ички маҳсулотга нисбатан 2013 йилги 23 фоиз даражасида сақлаб қолинади”.

Чиндан ҳам, жорий йилда ўзлаштирилаётган сармояларнинг асосий қисми ишлаб чиқаришни ривожлантириш, йирик лойиҳалар рўёбига йўналтирилаётган бўлиб, бу жараёнда “Ипотека-банк” фаол қатнашмоқда. Хусусан, у 2014 йилги Инвестиция дастурига киритилган умумий қиймати 890,1 млн. АҚШ долларига тенг 19 та лойиҳани молиялаштиришда иштирок этаяпти.

Ушбу лойиҳаларнинг 2014 йил давомида ўзлаштириладиган қисми 237,2 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, 69,4 млн. АҚШ доллари корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан, 85,1 млн. АҚШ доллари Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари, 4,8 млн. АҚШ доллари чет эл инвестициялари ва 77,0 млн. АҚШ доллари банк кредитлари ҳисобидан молиялаштирилиши белгиланган.

Шу йилнинг ўтган даври мобайнида молиялаштириш очилган лойиҳалар бўйича “Ипотека-банк” томонидан жами 221,6 млн. АҚШ долларилик кредитлар ажратилди. Бунинг натижасида лойиҳаларнинг 6 таси 2014 йилнинг якунига қадар фойдаланишга топширилиши кутилаётгани қувонарлидир.



Инсон ҳамиша орзу-умидлар билан яшайди. Ҳар томонлама бахтли, тўкис ҳаёт кечиришни истайди. Банк жамоаси одамларнинг шундай эзгу ниятларини рўёбга чиқариш йўлида астойдил меҳнат қилмоқда. Боиси “Ипотека-банк” сармоялари асосида бунёд этилаётган кўп қаватли уйлар сони йил сайин кўпайиб, ёш оилаларга кредит эвазига топширилмоқда. Аҳолининг кенг қатлами, шу жумладан, ёш оилалар учун Тошкент шаҳри ва вилоятлар марказларида кўп қаватли тураржойлар қурилишини молиялаштириш учун 27 млрд. сўм маблағ ажратилди ҳамда 2014 йил 1 июль ҳолатига кўра, жами 342 хонадондан иборат 9 та тураржой бинолари фойдаланишга топширилди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда истиқлол йилларида инсон манфаати, унинг фаровон турмуш кечиришини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар кўлами ниҳоятда кенгайди. Аҳолининг тураржойлар ва муҳим уй-рўзғор буюмлари, маиший техникаларга бўлган эҳтиёжини имтиёзли кредитлар эвазига таъминлаш йўлга қўйилганини ана шундай саъй-ҳаракатлар сирасига киритиш мумкин. “Ипотека-банк” жамоаси уй-рўзғор техникаси ишлаб чиқарувчи корхоналар билан яқин алоқа ўрнатиб, жисмоний шахсларга узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиши ва хизматлардан фойдаланиши учун истеъмол кредитлари беришни изчил давом эттирмоқда. 2014 йил биринчи ярим йиллигида 3262 та оилага 21,6 млрд. сўмлик шундай кредитлар берилди. Шундан 5,1 млрд. сўми ёш оилалар учун йўналтирилди. Берилган жами истеъмол кредитларининг салмоғи 2013 йилнинг шу давридагига нисбатан 3,3 млрд. сўмга кўпдир.

Бугун юртимизда ишбилармонлар сафи кун сайин кўпаймоқда. Бунда бошқа молия муассасалари қаторида “Ипотека-банк” ҳам ўзининг сифатли хизматлари билан фаол иштирок этаётганини алоҳида қайд этиш зарур. Негаки, унинг молиявий кўмагида кўплаб тадбиркорлар ички ва ташқи бозорда харидоргир бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, янги иш жойлар очишга муваффақ бўлмоқда. Буни банк мижозларидан айримларининг қуйидаги дил сўзлари ҳам яққол тасдиқлайди.

**Фахриддин МАҲМУДОВ,**
**Самарқанд шаҳридаги «Ҳамидобод Имкон» масъулияти чекланган жамияти раҳбари:**

— Корхонамиз фармацевтика саноатида ишлатиладиган флаконларни алюминий билан қопловчи ҳамда резина қопқоқлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган бўлиб, маҳсулот сифатини ошириш, ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш учун замонавий ускуналарга эҳтиёж сеза бошладик. Шунда молиявий кўмак сўраб “Ипотека-банк”нинг Самарқанд вилояти филиалига мурожаат қилдик. Бизнинг импорт ўрнини босувчи ҳамда экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича бизнес-режамиз филиал томонидан қўллаб-қувватланди. Охирги уч йилда салкам 300 миллион сўмлик кредит ажратилди. Ушбу маблағлар эвазига зарур жиҳоз ва асбоб-ускуналар сотиб олиб, фаолиятимизни йил сайин такомиллаштирдик. Натижада иш самарадорлиги ортиб, ойига 20-30 минг дона ўрнига 1 миллион дона турли хил ўлчамдаги қопқоқлар ишлаб чиқариш имконияти пайдо бўлди.

Жорий йилда мазкур молия муассасасидан яна 700 миллион сўм кредит олиб, ишлаб чиқаришни янги босқичга кўтармоқчимиз. Кредит эвазига фармацевтика маҳсулотларини қадоқлаш учун асбоб-ускуналар сотиб олишни режалаштираяпмиз.

**Виктор УРБАНОВИЧ,**
**Сирдарё вилоятидаги «Макровит» хусусий корхонаси раҳбари:**

— Бизнинг корхонамиз гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослаштирилган бўлиб, элимиз дастурхонига сифатли ва мазали маҳсулотлар етказиб бериш йўлида жамоамиз астойдил изланмоқда. Бу жараёнда “Ипотека-банк”нинг Сирдарё филиали нафақат молиявий мададкор, балки яқин маслаҳатчи ҳамдир.

Гап шундаки, корхонамиз ташкил этилган 2009 йилдан буён ушбу банкнинг 515 млн. сўмлик кредитидан унумли фойдаланиб, фаолиятимизни мунтазам равишда кенгайтиришга эришдик. Жорий йилда ҳам энг замонавий технологик ускуналар сотиб олиш бўйича бизнес-режамиз банк томонидан молиялаштирилиб, 200 млн. сўм миқдорида сармоя ажратилди. Натижада шу йилнинг биринчи ярмида 400 млн. сўмлик гўшт ва сут маҳсулотлари тайёрлаб, ички бозорга чиқардик.

Хулоса қилиб айтганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш “Ипотека-банк”нинг асосий йўналишларидан бирига айланган. Зотан, банк сармояларининг салмоқли қисми ушбу жабҳага йўналтирилиб, хизмат кўрсатиш кўлами тобора кенгайтирилаяпти. Бунинг эвазига мулкдорлар сони кун сайин ортиши баробарида, уларнинг савдо ва хизмат кўрсатиш, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда бошқа йўналишлардаги бизнес лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилмоқда. Буларнинг бари пировардида ички бозорни импорт ўрнини босувчи сифатли маҳсулот ва хизматлар билан тўлдириш, янги турдаги халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, экспорт салоҳиятини оширишга ва иқтисодиётимизнинг гуркираб ривожланишига хизмат қилаётир.

**Нодир НОРМАТОВ.**

# Ёзги таътил мароқли ўтмоқда

*Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан болаларни ёзги дам олдириш ва соғломлаштириш мавсумининг боришига бағишланган анжуман ташкил этилди.*

ТАДБИР

Таъкидланганидек, Соғлом бола йилида мавсумга тайёргарлик кўриш ҳар қачонгидан эрта бошланганини бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда. Яъни болалар хавфсизлиги ҳамда уларни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, малакали кадрларни жалб этиш ва оромгоҳлар моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича кенг кўламли ишлар рўёбга чиқарилди.

Пировардида оромгоҳлар сони ўтган йилдагига нисбатан 100 тага кўпайтирилиб, уларнинг умумий сони 1085 тага етказилди. Соғломлаштириладиган болалар сони ҳам шунга мос равишда 10 минг нафарга оширилди. Ихтисослаштирилган оромгоҳлар ҳам 100 тага ортиб, ҳозир 217 та шу турдаги оромгоҳ самарали фаолият кўрсатмоқда. Ўсмирлар учун мўлжалланган оромгоҳлар эса қарийб 3 баравар ошди.

Жорий мавсумдан эътиборан кам таъминланган оилалар фарзандлари, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва турли соҳаларда меҳнат қилаётган кам таъминланган ходимларнинг фарзандларини имтиёзли соғломлаштириш кўлами янада кенгайгани тадбирда алоҳида айтиб ўтилди. Масалан, 4 минг 500 нафардан ортиқ Оролбўйи минтақаси болаларининг Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларидаги оромгоҳларда бепул дам олишлари режалаштирилган бўлиб, ҳозирга қадар уларнинг аксарияти ушбу имкониятдан фойдаланишди. Айни чоғда “Соғлом бола йили” Давлат дастури доирасида Меҳрибонлик уйларининг 3 минг 658 нафар тарбияланувчиси ва 50 нафар жисмоний имконияти чекланган бола бепул дам олишига барча нарса муҳайё этилди.

Тадбирда бугунги оромгоҳлар болаларни интеллектуал ривожлантириш маскани сифатида ўзини ҳар жиҳатдан намоён этаётганлигига ҳам эътибор қаратилди. Хусусан, Соғлом бола йилида шу мақсадга йўналтирилган ихтисослаштирилган оромгоҳлар турлари янада кўпайтирилди. Интеллектуал ривожлантириш, тарбия ва спорт, ижтимоий мослашув, меҳнат ҳамда дам олиш, техник ижодкорлик, экологик-биологик, ўлкашунослик, бадиий ижодиёт оромгоҳлари ана шулар жумласидандир. Масалан, Тошкент вилоятидаги “Қуёшли” оромгоҳида Республика интеллектуал ривожлантириш оромгоҳи йўлга қўйилиб, унда фан олимпиадаларида ғолиб бўлган 520 нафар бола устозлари билан биргаликда касаба уюшмалари томонидан бепул ҳордиқ чиқарди.

Ўсмир ёшидаги ўғил-қизларнинг мароқли дам олишини таъминлаш мақсадида касаба уюшмалари, маҳаллий ҳокимликлар, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказлари ҳамда корхона, ташкилот ва муассасалар ҳамкорлигида жойларда 132 та меҳнат ва дам олиш оромгоҳи ташкил этилди. Уларга касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари жалб қилинмоқда. Шу кунга қадар 4 минг нафардан ортиқ ўсмирлар ушбу имкониятдан фойдаланди.

Оромгоҳларда таълим-тарбия сифатини янада ошириш йўналишида олиб борилаётган ишлар ҳам тадбир иштирокчиларининг диққат-эътиборида бўлди.

Умуман, ҳозирги пайтга қадар барча турдаги оромгоҳларда 264 минг 430 нафар бола соғломлаштирилиб, бу борадаги режа 93,8 фоизга бажарилди.

Болаларни ёзги дам олдириш ва соғломлаштириш мавсуми изчил давом этмоқда.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

• РЕКЛАМА •

Schetchik.Uz

ГАЗ, ЭЛЕКТР ВА СУВ ҳисоблагичлари



243R/190

Тошкент шаҳри, Мухтор Ашрафий кўчаси, 34-уй.
Мўлжал — Ҳамза тумани электр таъминоти корхонаси.
Тел.: (+99890) 957-51-21, факс: (8-371) 283-66-88.
МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН. ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

СПОРТ

*Норин туманида болалар ва ўсмирлар ўртасида таэквондо ITF бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақалари бўлиб ўтди. Унда 300 нафардан зиёд спортчи 40 вазн тоифасида ўз маҳоратини намойиш қилди.*

# Навбат — жаҳон кубоги мусобақаларига

Якунда Наманган вилоятидан Диёрбек Абдулҳамидов, Тошкент вилоятидан Илдар Саркисянов, андижонлик Баҳодир Эргашев, Сирдарёдан Раҳмонжон Абдумуталов, Бухородан Умида Ҳакимова, самарқандлик Бекзод Сайдуллаев, Тошкент шаҳридан Абдулла Абдулазизов ғолибликка эришди. Умумжамоа ҳисобида Наманган вилояти вакиллари биринчи, Тошкент ва Андижон вилоятлари жамоалари эса иккинчи ҳамда учинчи ўринларни эгаллашди.

Мусобақа ғолиблари жорий йил августда Ямайкада бўладиган Жаҳон кубоги, шунингдек, ноябрда Қозоғистонда ташкил этиладиган Осиё кубоги баҳслари йўлланмасини ҳам қўлга киритишди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

WWW.XS.UZ

Сурхондарё: Қизириқ туманидаги “Бандихон” тажриба хўжалиги миришкорлари томонидан етиштирилаётган мева, узум ва полиз маҳсулотларининг 50 фоизини экспорт қилиш режалаштирилган.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 769. 79 769 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — Ф. Абилов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.15 Топширилди — 22.50 1 2 3 4 5